




Қаҳрамон Ражабов,
Эргаш Очилов

Ўбайдулмаҳон

8



ҚАҲРАМОН РАЖАБОВ,
ЭРГАШ ОЧИЛОВ

Убайдуллахон

(рисола)

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2011

УДК 94(575)(092) Убайдуллахон
ББК 63.3(У)4
P17

Лойиҳа муаллифи:
тарих фанлари доктори Қ.К. Ражабов

Тақризчи:
тарих фанлари доктори Х. Тураев

Ражабов, Қаҳрамон.

Убайдуллахон (рисола) / Қ. Ражабов, Э. Очилов; лойиҳа муаллифи Қ.К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти, 2011. – 32 б. – (Тарих ва тақдир).

И. Очилов, Эргаш.

Рисолада йирик давлат арбоби, жасур саркарда, таниқли дин ва тасаввуф намоёндаси, етук зуллисонайн шоир ҳамда фан ва маданият ҳомийси сифатида XVI аср Туркистон сиёсий-ижтимоий, диний-тасаввуфий, адабий-маданий ҳаётида катта урин тутган Бухоро хоки Убайдуллахоннинг жангу жадалларга тула суронли ҳаёти, серқирра фаолияти, адабий меросининг жанрий таркиби ва мавзу кўлами, диний ва тасаввуфий руҳдаги асарларининг ботиний мазмун-моҳияти, шоирлик маҳорати ва шеърлари бадиияти ҳақида илмий-оммабоп усулда ҳикоя қилинади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК 94(575)(092) Убайдуллахон
ББК 63.3(У)4

Сузбоши

Қадимий қадриятларга, шонли тарихга, мумтоз меросга муносабатнинг ижобий томонга ўзгариб, бу борада ҳолис нуқтаи назарнинг қарор топиши туфайли кейинги йилларда илгари турли сабаб-баҳоналар билан қораланган, синфий ва сиёсий тамға босилган миллий маънавиятимизнинг қуплаб даргалари номи оқланди, уларнинг ҳаёти ва ижоди урганилиб, асарлари халққа етказилди. Ҳукмдор табақа вакили сифатида шўро мафкурасининг синфий қолипига тушмай, қора чизик ортида қолганлардан бири йирик давлат арбоби ва забардаст шоир Абдулғози Убайдулло Баҳодирхон (Убайдуллахон) ҳисобланади. Узининг серқирра фаолияти билан XVI аср ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий ҳаётида катта роль уйнаган бу улуғ зот ўзбек халқининг буюк сиймолари қаторидан урин олишга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Рисолада бу бетакрор шахснинг моҳир сиёсатчи, ҳарб санъати устаси, муҳаққиқ олим ва нозиктабъ шоир, илму маданият ҳомийси сифатидаги ўзига хос қиёфасини яхлит ҳолда тавдантиришга ҳаракат қилдик. Мақсадимиз – халқимиз тарихида улкан мавқе эгаллаган улуғ аждодларимиздан бирини кенг ўқувчилар оммасига яқиндан таништириш.

Юксак фазилатлар соҳиби

Абдулгози Убайдулла Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будог Султон ибн Абулхайрхон 1486 йили Муҳаммад Шайбонийхоннинг Хоразмни эгаллаш учун олиб борган ҳарбий юришлари вақтида Вазир шаҳри яқинидаги Ямани Тирсак мавзесида туғилган. Азиз-авлиёлар, хусусан, нақшбандия шайхларига муҳаббат ва эътиқоди баланд бўлган отаси – Бухоро ҳокими Маҳмуд Султон Туркистон мулкининг уша даврдаги шайх ул-машойихи, машҳур диний ва сиёсий арбоб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийдан уз углига ном қўйишни илтимос қилади. У эса чақалоққа ўз исмини беради. «Ўз номларини беришлари ул зотнинг зур марҳаматларидан бўлдики, шунинг учун ҳам унинг бебаҳо асарлари ва яхши номларининг оқибати оламда боқийдир», — деб ёзади бу ҳақда машҳур тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий.

Ёшлигидан алоҳида фазилатлари ва фавқулодда қобилиятлари билан ажралиб турган Убайдуллахон Амир Абдулла Яманий, Хожа Муҳаммад Садр, Хожа Мулло Исфаҳоний, Мавлоно Маҳмуд Азизон, Мавлоно Ёрмуҳаммад Қори каби уз даврининг егук алломалари қўлида таҳсилли камолга етказади. Чунончи, замона муҳаддислари сарвари Хожа Мавлоно Исфаҳонийдан ҳадис илмини, фақиҳлар пешвоси Мавлоно Маҳмуд Азизондан фикҳни, машҳур ҳофизи Қуръон Ёрмуҳаммад Қоридан қироатни ўрганади. У тасаввуф бобидаги сабоқни дастлаб отасининг пири Мавлоно Муҳаммад Қозидан олган. Кейин унинг халфаси – «хожагон-нақшбандия тариқатининг баландпарвоз шахбози» Маҳдуми Аъзамга шогирд тушган. Хусусан, Мир Араб номи билан шуҳрат тутган Амир Абдулла Яманийга Убайдуллахоннинг эътиқоди баланд бўлиб, унга иродат нисбати бор эди. Мир Араб унинг маънавий пири бўлибгина қолмай, давлат ишлари ва ҳарбий масалаларда ҳам унга яқиндан маслаҳат бериб турган.

Хофиз Таниш Бухорийнинг дутф этишича, «... (ғоят) фазилатли булиб, фазлу камол безак(лар)и билан зийнатланган» Убайдуллахон серқирра истеъдод соҳиби эди: адабиёт, санъат, илоҳиёт, хаттотлик каби бир неча соҳаларда ўз иқтидорини си-наб куриб, уларнинг барчасида ҳайратомуз натижаларни қўлга киритган. У, хусусан, «шеър илмларида соҳиби фан» (Ҳасанхожа Нисорий) булиб, Убайдий, Қул Убайдий, Убайдулло таҳаллуслари остида ўзбек, форс-тожик ва араб тилларида бирдай маҳорат билан қалам тебратган. Унинг ҳар учала тилдаги девонларини ўз ичига олган, ўз даврининг моҳир хаттоти Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан 1583 йили кучирилган «Қуллиёт»ининг ягона нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 8931 рақами билан сақланади. Убайдий туркий девонининг «қиблат ул-қутуб» («қотиблар қибласи») Султонали Машҳадий томонидан кучирилган яна бир нусхаси Британия (Англия) музейида 7907 рақами остида сақланади. 78 варақдан иборат ҳажман кичик ушбу девоннинг афзаллиги унда шоир «Қуллиёт»ида бўлмаган бир қанча шеърлар мавжудлигидадир. Шунингдек, шох шоир шеърларини ўз ичига олган «Девони Убайдуллахон» китоби қўлёзмаси Туркиянинг Нури Усмония кутубхонасида 4904 рақами билан сақланади.

Умри асосан жангу жадалларда ўтган бўлишига қарамай, вақтини беҳуда ўтказмасдан чуқур билим олган ва илму ижодга ҳамиша вақт топган Убайдуллахон Қуръон мутолаасини осонлаштириш учун туркий тилда «Ат-тажвид» рисоласини яраган илоҳиёт олими, шариат қонунилари бўйича махсус китоб битган фақиҳ, етти хил ҳуснихатда ёза оладиган, хусусан, настълиқни гузал битадиган, Қуръони каримдан нусха кучириб, Маккагуллоҳга юборган «замона қотибларининг устоди», Қуръонни тажвид билан қироат қиладиган ҳофизи Қуръон, куй ва қўшиқлари халқ томонидан севиб ижро этиладиган истеъдодли созанда ва бастакор ҳам бўлган. Таниқли тарихчи Муҳаммад Юсуф Мушший таъбири билан айтганда, Оллоҳ таоло «ҳеч қандай фазилат ва камолотдан уни бенасиб этмаган эди».

Моҳир саркарда ва одил ҳукмдор

Убайдуллахоннинг отаси – Муҳаммад Шайбонийхоннинг юришлардаги доимий ҳамроҳи, жанговар сафдоши, сунган тоғи Маҳмуд Султон 1504 йили Қундузда вафот этгач, 18 яшар Убайдуллахон унинг ўрнига Бухоро ҳокими қилиб тайинланади. Урусбек Дурмон унга оталик қилиб белгиланади.

Убайдуллахоннинг нафақат моҳир саркарда ва етук давлат арбоби, балки инсон сифатида шаклланиши ва камол топишида ҳам амакиси Муҳаммад Шайбонийхоннинг таъсири ва хизматлари катта бўлган. Чунки Убайдуллахон 15 ёлпидан бошлаб ўз даврнинг яхши таълим-тарбия олган, диний ва дунёвий илмлардан хабардор етук ва фозил кишиси, истеъдодли шоир, мусаввир, мусикачи ва ҳофизи Куръон бўлган Шайбонийхоннинг қанотига кириб, то 1510 йили Марв ёнида Шоҳ Исмоил Сафавийдан енгилиб, шаҳид бўлгунига қадар унинг барча юришларида қатнашган. Шайбоний султонлар ичида энг жасоратлиси ва шижоатлиси эди. Шайбонийлар салтанатининг қарор топиши ва мустаҳкамланишида Убайдуллахоннинг хизматлари катта. Шайбонийхоннинг деярли барча харбий муваффақиятларини Убайдуллахон номи билан боғлашади. Шайбонийхонга фатху зафар эшиги ҳамиша Убайдуллахоннинг музаффар қиличи кучи билан очилган. Муҳаммад Юсуф Мушший ҳам унинг жанг олиб бориш ва урушларни бошқаришда фавқулодда истеъдодга эга эканлиги ҳақида маълумот беради. Хусусан, Хоразм (1505), Балх (1506), Ҳирот, Машҳад (1507)ни қулга киритишда у алоҳида роль уйнаган.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг вафотидан сунг, шайбоний султонлар орасида давом этиб келаётган анъанага кура, сулоланинг энг ёши улуги бўлган Кучкунчихон бош хон, 24 яшар Убайдуллахон эса унинг ноибни этиб сайланади. «1505–1506 йиллардан бошлаб шайбоний хонларга тегишли барча ишларни амалда Убайдуллахон бошқарганидан у бош хонликни даъво қилганида ҳам, виждонан айтганда, ҳеч ким бунга қаршилиқ қилмаган булар эди, аммо у авлоддан авлодга утиб келаётган анъаналарга амал қилиб, бу унвонни хонадоннинг энг ёши улугига раво кўриб келди, – деб ёзади

машхур тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. – То Абу Саидхон ва-
фот этиб, Убайдуллахондан ёши улуг киши қолмагунича бу анъана
давом этади. Шундан кейингина у хонлик тахтига утирди ҳамда
адолат ва эзгулик насими билан дунёга мусаффолик бахш этди».

Убайдуллахоннинг икки жанги

Убайдуллахоннинг ҳаёти ва фаолияти, бир томон-
дан – теурийлар салтанатининг инқироzi, ик-
кинчи томондан – шайбонийлар сулоласининг
хокимият тепасига келиши, учинчи томондан – Эрон, Хуросон
ва Мовароуннаҳрда сунний ва шиа мазҳаблари уртасидаги ку-
рашнинг кескинлашувидан иборат мураккаб бир тарихий вазия-
тга туғри келади.

Убайдуллахон ҳаётида, хусусан, унинг ҳарбий фаолиятида
мураккаб вазиятлар жуда кўп булган. У оз сонли қушини билан
бир неча марта душманлари устидан ҳайратланарли ва ажойиб
ғалабаларга эришган. Ажалнинг минг бир зарбаси ва тақдир
уйинларига чап бериб, нафақат узи ва лашкари муҳофазасини,
балки ота юрг – Туркистон мустақиллигини ҳам сақлаб қола
олган. Бу ерда Убайдуллахоннинг 1512 йида Бухоро атрофла-
рида утказган иккита жанги ҳақида суз юритмоқчимиз. Мазкур
жанглар нафақат туркий халқлар, балки жаҳон ҳарбий санъати
тарихида ҳам учмас из қолдирган. Асрлар давомида муаррих-
лар бу икки жангга уз муносабатларини билдириб, Убайдулла
Султоннинг ҳарбий маҳорати ва саркардалик истеъдодига қойил
колишган.

Кули Малик жанги (1512 йил 28 апрель)

Марв атрофида 1510 йил декабрда Муҳаммад Шай-
бонийхон (1451–1510) Эрон шоҳи Исмоил I Сафа-
вий (1487–1524) билан олиб борилган жангга ҳалок
булгач, Шайбонийхон асос солган давлатнинг қайта тиклани-
ши, қарор топиши ва мустақамланишида Убайдуллахоннинг
хизматлари катта булди. Дастлаб сафавийлар қушинининг
Мовароуннаҳр ичкарасига бостириб киришидан чучиган Убай-
дуллахон ва Шайбонийхоннинг ўгли Муҳаммад Темур Султон

шоҳ Исмоил I билан элчилар алмашиб, сулҳ тузишга уринганлар. Бу пайтда Исмоил I Сафавийлар давлатининг сиёсий манфаатлариши кузлаб, теурийзода Бобур Мирзо (1483–1530) га Мовароуннаҳрни шайбонийлардан тортиб олишга ёрдам бермоқчилигини айтиб, уни жанг қилишга ундайди.

Муҳаммад Шайбоний вафотидан сунг шайбонийлар сулоласи хони Кучкунчихон (ҳукмронлик даври: 1510–1530)нинг асосий ноиби (1510 йилдан) ва Бухоро ҳокими (1504 йилдан) сифагида Убайдулла Султон, яъни Убайдуллахон душманга қарши курашга отланган. Убайдулла Султон Туркистон шаҳридаги Аҳмад Ясавий мақбараси ёнида 1512 йил 7 апрелда қурултой чакириб, агар Мовароуннаҳрни қайтариб олишга муваффақ булса, бир умр диндор ҳукмдор булиб қолишга қасамёд қилади ва уз қушини билан ҳарбий юришга отланади. Бирок уни фақат Муҳаммад Темур Султон ва Жонибек Султон каби шайбоний султонлари қўллаб-қувватлайди.

1512 йил апрель ойининг охирида чул тарафдан Еттиқудук ва Туртқудук орқали Ғиждувонга келган Убайдуллахон бошчилигидаги қушин Бухоро шаҳрига ҳужум қилиб, уни қамал этади. Бухоро доруғаси Ширим тоғойи (Ширимбек) бу ҳақда Самарқандда турган Бобурга хабар етказади.

Ҳасанхожа Нисорий (1516–1597)нинг «Музақкири аҳбоб» («Дустлар ёдномаси») газкирасида ёзилишича, Бобур 60 000 кишилиқ қушин билан Самарқанддан йулга чиқиб, Бухорога яқинлашади. Ҳофиз Таниш Бухорий (XVI аср)нинг ёзишича, Убайдулла Султон атиги 2 600 нафар сараланган йигити (бошқа бир манба, яъни Нисорийга кура, унинг қушини 3 000 нафар деб курсатилган) билан Бухоронинг Хайробод туманидаги Қули Малик қирғоғида турган Бобур лашкарига тусатдан ҳужум қилган. Бу жанг 1512 йил 28 апрелда булиб, тарихда Қули Малик жанги сифатида ном қолдирган.

Жанг бошланишидан олдин Убайдулла Султон ҳарбий ҳийла ишлатган. У узининг хуфиялари орқали Бобурнинг катта қушин билан Бухорога келаётганлигини эшитган, Бухоро қамалини тухтатган ва гуё қочгандек булиб Хоразм йули томонга чекинган. Бу ҳолни курган Бухоро доруғаси Бобурга «узбеклар қочди», деган хабарни етказади. Бобур эса катта миқдордаги қушин билан бамайлихотир Бухорога яқинлашади. Убайдул-

лахон атиги 2 500–3 000 нафар аскари билан Бобур лашкарига тусатдан хужум қилган. Қаттиқ ва омонсиз туқнашувдан сунг Бобур лашкари тор-мор келтирилган. Бобур аввал Бухорога, эртаси куни Самарқандга чекинади ва вазият мушкуллигини сезиб, бир кундан сунг оиласини олиб Ҳисор томонга кетади.

Ғиждувон жанги (1512 йил 24 ноябрь)

Кули Малик жангида (1512 йил 28 апрель) қозонган шонли ғалабасидан кейин Убайдулла Султон (Убайдуллахон) Бухоро ва Самарқандни эгаллаган эди. Бироқ орадан кўп ўтмай Эрон шоҳи Исмоил I Сафавий юборган Нажми Соний (лақаби, асл исми Амир Аҳмад) бошчилигидаги 80 000 кишилиқ сафавийлар қўшинига суянган Бобур 1512 йил кузида Ғузур ва Қаршини эгаллайди. Бу ҳақда Зайниддин Восифий ёзиб қолдирган.

Тарихчиларнинг ёзишича, Қарши мудоғаси бартараф этилгач, шаҳар халқи эронликлар томонидан қатли ом қилинган. Қаршида 15 000 киши қиличдан ўтказилган. Уларнинг ичида машҳур шоир ва тарихчи Камолиддин Биноий (1453–1512) ҳам бўлган. Мовароуннаҳр аҳли бундан даҳшатга тушиб, шиалар (эрон қизилбошлилари) ва Бобур қўшинига нисбатан нафрати ошган ва Убайдуллахонни уларга қарши курашга даъват этган. Муаррихларнинг ёзишларига кўра, Бобур ҳамда Исмоил I олдида нуфузли бўлган Амир Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Амир Юсуф ва ҳатто айрим қизилбошлилар амирлари (бу пайтда шиалар қизилбошлилар деб аталган) ҳам Қарши шаҳри ичида ҳазрат Али авлодига мансуб саййидлар борлигини баҳона қилиб, эронликлар саркардаси Нажми Сонийдан қатли ом ўтказмасликни илтимос қилишганида, у бу фикрларга қулоқ солмасдан, шаҳар аҳолисини оммавий равишда қиргин қилдирган эди.

Нажми Соний қўшини Қаршидаги «ғалаба»дан сармаст бўлиб, Ғиждувонни қамал қилишга киришади. Убайдулла Султон ва Жонибек Султон Карманага, Кучкунчихон ва Муҳаммад Темур Султон Миёнколга чекиниб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик куришади.

Туркистон шаҳридан етиб келган Убайдулла Султоннинг пири ва усгози Мир Араб унга жанг олдидан курсатмалар бериб ва қўшинни руҳлантириб, шайбоний султонларини Ғиждувон устига бошлайди.

Султонлар қўшини етиб келмасидан олдин Ғиждувондаги оз сонли мудофаачилар қалъадан чиқиб, душман қўшини билан ахён-ахёнда жангга киришиб туришган. Бироқ ҳарбий жанг режасини нухта амалга оширган Убайдуллахон ўзининг оз сонли ҳарбий дастгаси билан 918 йил 3-рамазонда якшанба куни, яъни милодий 1512 йил 24 ноябрда Ғиждувон яқинидаги Зарангарон қишлоғида Нажми Соний қўшини устига тўсатдан ҳужум қилди. Ғиждувон жангида Убайдуллахон бошчилигидаги қўшин Нажми Соний ва Бобур раҳбарлигидаги ҳарбий кучларни тўлғама усулида енгган (жанг чоғида ғаним кучларини қанотлардан айланиб ўтиш, ён ва орқа томондан зарба бериш ҳарбий санъат тарихида тўлғама усули деб номланади). «Бобурнома»да Бобур бу жангни «Ғиждувон уруши» деб фақат бир жойда йўл-йўлакай тилга олиб ўтган. Душман саркардаси Нажми Соний ҳатто кийимини кийишга ҳам улгурмай отга утириб қочаётганида Убайдуллахон жангчилари томонидан ураб олинган ва ўлдирилган. Бу мағлубиятдан сунг Бобур Хуросонга кетишга мажбур бўлган ва Мовароуннаҳр тахтини эгаллаш орзусидан узила-кесил воз кечган. Шу нарса ажабланарлики, «Бобурнома»да айнан Кули Малик жанги ва Ғиждувон жанги бўлиб ўтган 1512 йил воқеалари қисми йўқ. Бобурнинг ёзишича, бу давр воқеалари ёзилган бўлимлар жанг ҳаракатлари пайтида йўқолган.

Хуллас, шайбонийлар бу жангга катта ўлжа ва кўп сонли асирларни кўлга киритишган. Катта миқдордаги қизилбошлилар қўшинидан (тахминан 80 000 киши) фақат оз сонли шиаларгина Эронга қайтишган. Ғиждувон жанги Мовароуннаҳрни Эрон сафавийлари – қизилбошлилар диний истибдодидан сақлаб қолган ва Туркистонда шайбонийлар ҳукмронлигини узила-кесил қарор топтирган ҳодиса сифатида тарих саҳифаларига ёзилган.

Шонли ғалабадан сунг Убайдулла Султон Бухорони эгаллаб, кейин Самарқандга келади ва уз номига хутба ўқиттиради. Эронлик шиалар (қизилбошлилар) зулимдан қутқарганлиги

учун самарқандлик уламолар Убайдулла Султонни қизгин олқишлаган. Тарихчи Фазлуллоҳ ибн Рӯзбехон (1457–1521) «Сулук ал-мулук» асари муқаддимасида ёзишчи, «Убайдуллахон одоб юзасидан ўзини худди улжасини тақсимлаб бермоқчи булган овчидай тутди ва катта амакиси (Кучкунчихон)га бош хонлик мақоми ва пойтахт Самарқанд тахтини берди. Мовароуннаҳрнинг бошқа ерларини ҳам қариндошларига бўлиб берди». Масалан, Убайдулла Султон Тошкент вилоятини Севинч хожaxonга, Самарқанд вилоятини Муҳаммад Темур Султонга, Миёнкол вилоятини Жонибек Султонга бериб, ўзига Бухоро ва Қарши вилоятларини олиб, Бухоро шаҳри томон йўл олган. Шундай қилиб, 1512 йилда Убайдуллахоннинг шижоати натижасида Мовароуннаҳр яна шайбонийлар қўлига утган.

Ғиждувон жангидаги ғалаба Мир Араб (Амир Абдулла Яманий) туфайли қўлга киритилганлиги боис сафавийлар қўшинидан тортиб олинган катта улжанинг асосий қисмини Убайдуллахон уз устозига топширади. Буюк тариқат пири уз навбатида бу маблағга Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасини қурдиради.

Шундай қилиб, Убайдулла Султон (Убайдуллахон) 1512 йилнинг саккиз ойи мобайнида узаро бирлашган ташқи душман (Эрон сафавийлари) ва ички душман (темурийзода Бобур) кучларига қарши бўлган икки жангга (Қўли Малик жанги ва Ғиждувон жанги) порлоқ ғалабага эришган. Бухоро воҳасида бўлган бу жангларда Убайдуллахон оз сонли ҳарбий кучларга таяниб, қўшин сони тахминан 20 марта ортиқ булган душман лашкарларини мағлубиятга учратган. Афсуски, ҳалигача Убайдуллахоннинг бу икки жанги Ўзбекистондаги олий ҳарбий ўқув туртларида етарлича урганилмаган, бу жанг Ўзбекистондаги ҳарбий тарихга оид китобларда таҳлил қилинмаган. Убайдуллахон ғолиб келган бу жангларнинг ҳарбий аҳамиятидан ташқари уларнинг сиёсий ва маънавий аҳамияти ҳам жуда катта булган. Убайдуллахон ушбу ғалабалари эвазига Мовароуннаҳрни шиа мазҳабидаги Эрон сафавийлари истибдодидан сақлаб қолган. Бу унинг Туркистон тарихидаги энг буюк хизмати ҳисобланади.

Убайдуллахон – Бухоро хони

Шарихдан маълумки, Муҳаммад Шайбонийхон Каспий денгизидан Хитой ҳудудигача, Сирдарё этагидан Афғонистонгача бўлган улкан мамлакатни қўлга киритган эди. Лекин унинг вафотидан кейин Мовароуннаҳрнинг йирик сиёсий ва ҳужалик маркази бўлган Ҳирот, шунингдек, асрлар давомида Мовароуннаҳрга қарашли бўлган Хуросон ерлари сафавийлар қўлига утади. Шайбонийхон вафотидан кейин бошланиб кетган шайбоний султонлар уртасидаги ҳокимият учун курашдан фойдаланган шоҳ Исмоил Сафавий Хуросонга юриш бошлаб, Ҳиротни деярли жангсиз эгаллайди. Қисқа фурсатда у забт этган муҳим чегара таянчлари – Маймана, Фороб, Балх ва бутун Хуросон унинг қўлига утди.

Хуросоннинг қўлдан кетишига сира рози бўлмаган Убайдуллахон 15 йил ичида Ҳирот, Машҳад ва Нишопурга 6 марта қўшин тортиб, уни қайтариб олишга ҳаракат қилади. Шайбоний султонларининг Хуросонга ҳарбий юришлари 1513 йил январда бошланган. Убайдуллахон 1513 йили Марвни, куп утмай Хоразмни эгаллаб, уни бошқаришни угли Абдулазизга топширади. 1529 йили эса Машҳад ва Ҳиротни эгаллайди. Убайдуллахон бир таъзия муносабати билан Самарқандга кетганидан фойдаланган сафавийлар Ҳиротни қайтиб тортиб оладилар.

Кучкунчихон ва унинг ўғли Абу Саидхоннинг вафотидан кейин 1533 йили Убайдуллахон бош хон бўлиб, Самарқандни пойтахт қилиши керак эди. Лекин Кучкунчихон авлодларидан Абдуллатифхон Убайдуллахонни Самарқандга киритмайди. Убайдуллахон пойтахтни Бухорога кўчиришга мажбур бўлади ва унинг номига хутба ҳам шу ерда ўқилади. Шундан кейин Шайбонийлар давлати Бухоро хонлиги номи билан юритила бошлади. Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида Бухоронинг марказ сифатидаги нуфузи ошди.

Убайдуллахонгача бўлган шайбоний султонлар бир ёқдан вилоятларни қўлга киритиб, иккинчи ёқдан қўлдан чиқариб турганларидан на ички, на ташқи сиёсатда бирор нарсага эриша олмаганлар. Оқил сиёсатчи ва тадбиркор ҳукмдор бўлмиш Убайдуллахон эса Мовароуннаҳр ва Хуросонни ягона марказлашган давлатга айлантириш, узаро ички урушлар ва тарқоқликка барҳам

бериб, мамлакатда тинчлик ва тартиб ўрнатиш, куп йиллик узаро урушлар натижасида издан чиққан ҳаётни тиклаш, халқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантириш, минтақанинг аввалги мавқеини тиклашда бир қатор эътиборга сазовор тадбирларни амалга оширди.

«Шайбонийхондан сунг утган шижоатли ва ҳарбий ҳукмдорлардан бири» булган Убайдуллахон ҳоким, ноиб ва хон сифатида жами 36 йил ҳукмронлик қилади. «Унинг пойтахти булган Бухоро олиму фузалоларнинг тупланадиган жойи булиб, Убайдуллахон замонида шундай даражага етдики, Мирзо Хусайн Бойқаро давридаги Хиротни ёдга соларди», – деган эди Мирзо Ҳайдар. «Ўз даврининг Нуширавони» (Маҳмуд ибн Вали) Убайдуллахоннинг мамлакатдорлигини таърифлаб, Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам у «адолат шевасида динпарвар ва сиёсат йулида гоятда машҳур бир подшоҳ эди», – деб ёзади. «Унинг даври ва халофати замонида Мовароуннаҳр, хусусан, Бухоро вилояти гуллаб-яшнади», – деб гувоҳлик беради яна машҳур тарихчи.

Илму маданият ҳомийси

Мухаммад Юсуф Мунший таъбири билан айтганда, «адолат шевасида ягона, жанг соҳасида ниҳоятда фарзона» булган, «диловар ва баҳодир» Убайдуллахон жангу жадал олиб бориш, мамлакатни сиёсий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш билангина кифояланиб қолмай, илм, маданият ва адабиётга ҳам катта эътибор берган. Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумот беришича, бу хон «даргоҳининг мулозимлари купинча фозиллар буларди». У тасаввуфга оид асарларни йиғиб, бой кутубхона ташкил этган.

Манбаларга кура, XVI асрнинг бошидан то урталаригача Бухоро адабий муҳитида 112 шоир яшаб ижод этган. Улардан 11 нафари соҳибдевон шоирлар эди. Рузбехон Исфаконий, Зайниддин Восифий, Абдурахмон Мушфиқий, Ҳасанхожа Нисорий, Нахлий Бухорий, Девона Ҳусомий каби машҳур шоирлар шулар жумласидандир. Убайдуллахон саройида ҳам куплаб шоирлар тупланган эди. Хон ва шайхулисом Хожа Ҳошимий Сиддиқий ижод аҳлини қизғин қўллаб-қувватлаганлар. Бухоро адабий

муҳити Мовароуннаҳрада алоҳида нуфузга эга булган. Зайниддин Восифийнинг ёзишича: «Ул Ҳазратнинг одати шу эдики, ҳар кун и бир шеърни уртага ташлаб, унга татаббуъ ва жавоб ёзишга шоирларни ундардилар. Дердиларки, таъбни бекорга утказманглар, уни машғул қилмоқ лозим. Сустлик таъбнинг бушашишига сабаб булади ва зеҳни утмаслаштиради». Бу борада Убайдуллахоннинг узи барчага урнак булиб, ҳозиржавоблик ва топқирликда ҳеч ким унинг олдига тушолмасди. Убайдуллахон, айниқса, муаммони ечишга жуда уста эди – Зайниддин Восифийнинг 79 муаммосидан 65 тасини номсиз тошган.

Бунёдкор ҳукмдор

*Бухоро хуштар омад аз тамоми шаҳрҳо мору,
Зи чашми бад нигоҳ дорад Худо мулки Бухоро,*

яъни: «Бухоро барча шаҳарлардан кура бизга севимлироқдир, Худованди каримнинг узи Бухорони ёмон кўзлардан асрасин!» – деб лутф этган «Убайдуллахон балою офатларни дафъ қилувчи Бухоро шаҳри ободончилиги ва қурилишлари учун кўп саъй-ҳаракатлар кўрсатди», – деб хабар беради Ҳасанхожа Нисорий. Подшоҳликни халққа хизмат қилиш деб билган Убайдуллахон Бухоро тахтига ўтириши биланоқ бу мансабдан халқ, мамлакат учун фақат яхшилик қилиш йўлидагина фойдаланишни мақсад этгани ҳақида бир ғазалида шундай ёзган эди:

*Эй Убайдий, Ҳақ сени оламда қилди подшоҳ,
Сендин улдурким, раиятқа риоят қилгасен.*

Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида Бухоронинг сиёсий мавқеи кучаяди, иқтисодий аҳволи яхшиланиб, маданий жиҳатдан янада юксалади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва деҳқончилик ривожига алоҳида эътибор қаратилади, кўлаб ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилади, масжиду мадрасалар, хонақоҳу йўллар қурилади. Устози ва раҳнамози шарафига бунёд этилган манҷур Мир Араб мадрасаси, Мирак Саид Ғиёс боғи, Кухак (Зарафшон) дарёсига қурилган Меҳтар Қосим кўприги Убайдуллахон даврининг кўзга куринган обидаларидан ҳисобланади. Бухоро шаҳри атро-

фига янги девор солдириб, катта чорбоғлар курдиради. Кейинчалик Бухоро хони Абдуллахон II (1534–1598) узини муборакбод қилишга келган хунар ва санъат аҳлини Убайдуллахон барпо этган чорбоққа туплаши унинг уша даврда ҳам обод булганлигини курсатади.

Бундан ташқари, Убайдуллахон курсатмасига биноан бошқа шаҳарларда ҳам куплаб қурилишлар амалга оширилади. Жумладан, Сарбон ва Ясси шаҳарларида қатор ободончилик ва бунёдкорлик ишлари олиб борилган. Масалан, машҳур адиб Зайниддин Восифий Убайдуллахон Сарбонда Мир Араб лойиҳаси асосида ўз номига курдирган бир мадраса ҳақидаги қизиқ маълумотни келтиради. Мадраса қуш минорали булиб, миноралар доимо тебраниб турган. Тебраниш шу даражада сезиларли булганки, одамларда у ҳозироқ қулаб тушадигандек таассурот қолдирар экан.

Убайдуллахон 1540 йил 17 мартда Бухоро шаҳрида вафот этди. Бухоро хонлиги тахтига унинг угли Абдулазизхон утирди ва 10 йил ҳукмронлик қилди.

Уч тилдаги муаззам мерос

Маълумки, зуллисонайнлик (иккитиллилик) – ўзбек мумтоз адабиётида анъана тусини олган ҳодиса эди. Утмиш суз санъати тарихига кўз тапцлар эканмиз, фақат она тилида ижод қилган шоирлардан кура икки ёки уч тилда қалам тебратган назм усталари кун учрашига гувоҳ буламиз. Убайдий ҳам ана шундай кунгилли шоирлар жумласига киради. У ҳар учала тилдаги шеърларини туплаб, уч девон тартиб берган.

Убайдий ҳаёти ва ижодини махсус урганган истеъдодли олим Муҳаммад Абдуллаевнинг аниқлашича, шоирнинг туркий девонида 310 дан ортиқ ғазал, 428 рубоий, 25 қитъа, 11 туюқ, 18 маснавий, 7 муаммо, 2 ёр-ёр мавжуд. Шунингдек, диний-тасаввуфий, ахлоқий-дидактик руҳдаги «Омонатнома», «Шавқнома», «Ғайратнома», «Сабрнома» манзумалари ўрин олган. Форсий девонида эса 163 ғазал, 418 рубоий, 7 қитъа, биттадан фард, маснавий, таржеъбанд ва 3 муаммо бор. Араб тилида-

ги мероси 35 га яқин ғазал, қитъа ва фардлардан иборат. Убайдийнинг адабий хизматларидан бири Аҳмад Яссавий асос солган ҳикматнавислик анъанасига янги ҳаёт бағишлаганидир. Ундан 1786 байтдан иборат 220 дан ортиқ ҳикмат етиб келган.

Абдурауф Фитрат ҳам «Убайдуллоҳнинг форсийча ва узбекча чиройлик нарчалари кўп. Бу кўнги материалларга кўра, уни бу даврнинг энг яхши шоири деб қабул қилишга тўғри келади», – деб ёзган эди.

Убайдий ижодида диний-тасаввуфий ғоялар етакчилик қилади: уларда ислом таълимоти ва суфиёна ғоялар тарғиби билан бир қаторда, илоҳий ва дунёвий ишқ тараннуми, шоҳ-шоир Одам ва Одам ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларининг бадий талқинлари, чарху фалақдан, замонадан ва нокас кишилардан шикоят оҳанглари, диний бидъатчилик танқиди, панд-насихат руҳидаги ва ҳасби ҳол характеридаги шеърларни куриш мумкин. Шоир шеърларида ўзбек ва форс-тожик тилининг бой имкониятларидан, ўзига хос хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланади. Убайдий шеърларининг тили содда, услуби раван, халқ жонли нутқига яқин.

Маълумки, XVI аср адабиётида анъанавий мавзулар давом эттирилиши баробарида асарларга реал ҳаёт тасвири, таржимаи ҳол хусусиятлари кириб кела бошлади, оммага тушунарли булган халқона оддий тил ва енгил услубда асар яратиш таъмоили кучайди. Убайдий ижодида ҳам бу ҳол ёрқин куринади. Ўзи бевосита гувоҳи булган воқеа-ҳодисалар баёни, кўнглидан кечирган кечинмалар тасвири, ҳаёлидан утган уй-фикрлар ифодаси, шахсий турмушига оид лавҳалар талқини билан боғлиқ, яқин кишиларига бағишланган, турли муносабат билан бадиха тарзида туқилган шеърлар шоир ижодида купчиликни ташкил этади. Айтайлик, шайбоний султонларнинг сусткашлиги, ноаҳиллиги туфайли ёрдам кучларининг кечиккани учун ҳам Муҳаммад Шайбонийхон Марв ёнида шоҳ Исмоилдан мағлуб бўлиб, шаҳодат шарбатини ичади. Шундан кейин сафавийлар ёрдамига таянган Бобурдан енгилиб, Туркистонга чекинган шайбоний султонларни Убайдуллахон Мовароуннаҳрни қайта қўлга киригиш учун курашга ҳар қанча ундамасин, Жонибек Султон ва Темур Султондан бошқа ҳеч ким уни қўллаб-қувватламайди. Эҳтимол, мана бу рубойисини у худди шу муносабат билан ёз-

гандир (ҳар ҳолда, унинг у ёки бу муносабат билан шайбоний султонларга бағишланганлиги аниқ):

*Қардошлареким, подшодур бориси,
Уз ишлари бирла мубталодур бориси.
Бориси бўлуб не ишга, не элга ярор,
Бош бошқа, кузунг бошқа балодур бориси.*

Манбаларнинг маълумот беришича, Убайдуллахон Маҳмуд Султоннинг ёлғиз фарзанди булган. Бошига оғир кунлар тушиб, чигал вазиятларда қолганида унинг узи бундан уксиниб, жумладан, шундай ёзади:

*Эл кублугини кузга неча илгайсиз,
Ёлгуз кишидан ҳам неча кесилгайсиз.
Ёлгуз деб они кесилгайсиз ондинким,
Ёлгузнинг эрур ери Худо, билгайсиз.*

Қайгу, омадсизлик, тушкунлик лаҳзалари барчанинг ҳаётида учрайди. Убайдуллахон ҳам Мовароуннаҳр тахти учун кураш олиб борар экан, гоҳ енгган булса, гоҳида енгилган, баъзан қариндошлари, дусту биродарлари унга панд беришган; гоҳо яқин кишилардан айрилиқ аламини тортган. Ана шундай дамларда алам-изтиробли сатрларни битган. Мисол учун, куйидаги рубоий тақдирнинг, ҳаётнинг ҳамиша ҳам инсон орзунтилишлари билан ҳисоблашмаслиги хусусида:

*Ҳар лаҳза фалак менинг сори эврулмас,
Маҳзун кунглум фуркат аро шод улмас.
«Кунглунг не тилар?» – деб не сурарсен мендин –
Ким, не тиламас кунгул – муяссар булмас.*

Забардаст рубоийнавис

Убайдий узбек ва форс-тожик суз санъатидаги забардаст рубоийнавислардан ҳисобланади. Унинг бу икки тилдаги 850 га яқин рубоийлари бор. Шоирнинг туркий девонида – 430, форсий девонида – 418 та рубоий мавжуд. Хусусан, узбек адабиётида рубоийнинг Бобурдан кейинги гараққиёти Убайдий номи билан боғлиқ.

Убайдий асосан Навоидан таъсирланган, унга эргашган бўлса-да, унинг туркий рубоийлари мазмуннинг ғоят теранлиги, шунинг баробарида ифода тарзининг жуда соддалиги, фикрнинг мураккаб ва айни пайтда очиқлиги, бадиий санъатларга бой ва гузаллиги, умидбахш дард ва ёруғ ҳасратга йўғрилган жозиб руҳи, кўнгилга яқин оҳанги билан Бобур рубоийларини ёдга солади. Шоирнинг форсий рубоийларида эса Умар Хайём, Абусайд Абулхайр, Нажмиддин Кубро, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий, Паҳлавон Маҳмуд каби Шарқнинг мумтоз рубоийнавислари таъсири ва руҳини ҳис қиламиз.

Убайдий рубоийларининг тили равон, услуби содда ва гузал, мазмуни кенг ва теран. Улар дунёнинг пасту баландини ҳуб кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини роса тотган, инсон феълининг турфа тусланишларини обдан урганган, илми зоҳир ва илми ботинни ўзида мужассам этган олим ва ориф инсоннинг қалбидан қайнаб чиққан ҳикматлардир.

Буюк немис адиби Ҳёте ижод жараёнини аввал соддалик, кейин мураккаблик ва яна соддалик тарзида изоҳлаган эди. Бу буюк соддаликни шарқона таъбир билан ҳикмат, деса бўлади.

Убайдий рубоийларини икки жиҳатдан ҳикмат, деб аташга асос бор. Биринчидан, рубоий жанрининг табиатан ҳикматга мойиллиги бўлса, иккинчидан, Убайдий Яссавийга эргашиб ҳикматлар айтган ва бу нарса унинг бошқа жанрлардаги шеърларида, хусусан, рубоийларида ҳам ўз аксини топган. Шоир қаламига мансуб кўплаб рубоийларнинг ҳикмат каби жаранглаши сабаби шунда. Мисоллар:

*Ҳар кимсаки, жоҳиллар ила булгайдир,
Дин ҳукмича, гофиллар ила булгайдир.
Ҳар кимса яқин булса камол аҳли билан,
Ҳақ лутфи-ла комиллар ила булгайдир.*

✦ ✦ ✦

*Ғар булса омонатқа хиёнат сендин,
Тегмас эгасига омонат сендин.
Эттинг булубон хоину ондин сунгра
Кетти, бил, омонату диёнат сендин.*

Инсон ва умр муаммоси барча шоирлар каби Убайдийни ҳам қийнайди: умр одамзотга бир марта берилади, бунинг устига, у жуда қисқа. Эндигина ҳаётнинг моҳиятини англаб, чинакамига яшайман деганингда у тугаб қолади. Чунки инсон зоти табиатан шундай яралганки, кўпинча вақтнинг, умрнинг қадрига етмай, ёшлигининг авж палласини уйин-қулги билан беҳуда утказади; урта ёшта келиб ғам-ташвишининг муллигидан шошиб қолади – бирига улгурса, бошқасига улгурмайди; кексайганида эса ана шу бой берилган вақт, фойдаланилмай қолган имкониятлар туфайли қайғу-ҳасрат чекади. Мана бу рубоий шу хусусда:

*Дунёнинг утар аввали нодонлиг ила,
Уртаси анинг ғаму паришонлиг ила.
Охири доғи утгусидур, охким, анинг
Ҳасрат била андуху пушаймонлиг ила.*

Шу тариқа, умр ёшликда – нодонлик, урта яшарликда – паришонлик, кексайганда – ғаму ҳасрат билан утиб кетади. Шунинг учун ҳам Саъдий Шерозий таассуф билан ёзадики, «қани эди инсонга икки умр берилса: бирида илму ҳунар ўрганиб, тажриба тупласанг-да, иккинчисида уларни ишга солиб, кўнгулдагидай яшасанг!»

Комилликка йўлловчи номалар

Убайдий номалари инсон камолотига хизмат қиладиган ахлоқий меъёрларни назмий усулда баён қилишга бағишланган. Айтайлик, 44 байт (88 мисра)дан иборат «Омонатнома»сида инсонни шундай улут мақомга кутарган фазилатлардан бири – диёнат Оллоҳнинг бандасига берган омонати сифатида талқин қилинади ва уни гард юқтирмай охирагга етказиш, дунёнинг ҳийлаю ёлғонларига алданиб, бу муқаддас омонатни хиёнатга алмаштирмасликка даъва этилади. Хиёнатни бандасидан яширса ҳам, Худодан яшириб бўлмаслиги ва хиёнаткор банд бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам муносиб жазосини олиши хусусида суз боради. Чунки:

*Шум хиёнат кишини хор этар,
Хор этибон дарбадару зор этар.*

«Сабрнома» – 25 байт (50 мисра)дан иборат булиб, унда сабрнинг афзалликлари ва фойдалари тарихий ҳамда ҳаётий мисоллар ёрдамида асослаб берилади, кишилар ҳар қандай ҳолатда ҳам сабрни унутмасликка, узини сабрга ургатиб, сабр мартабасини қўлга киритишга чақирилади. Сабаби – мақсад эшиги ҳамиша сабр калити билан очилади, ҳар қандай ишнинг тугуни сабр кўли билан ечилади, муваффақият ва зафарларнинг асоси ҳам сабр, бахту давлат куши сабр тури билан тугилади, роҳат-фароғатга сабр билан етилади:

*Сабрдин ҳосил улур барча мурод,
Сабрдиндур барча ишларга кушод...
Айшу роҳат керак булса, сабр эт,
Бахту давлат керак булса, сабр эт.
Қилмасанг сабр жафо айёми,
Етмас оғзинга фароғат жоми.*

«Ғайратнома» – 26 байт (52 мисра)дан иборат булиб, унда ғайрат ва шижоат энг улуг инсоний фазилат сифатида улуғланади, сусткашлик эса қораланади. Шоирнинг нуқтаи назарига қўра, эр кишининг белгиси – ғайрат, ғайратнинг белгиси эса ҳиммат:

*Эр кишининг белгуси ғайрат булур,
Ғайратнинг белгуси ҳиммат булур.*

Албатта, мумтоз адабиётда ғайрагнинг кучли савб-ҳаракат, қаттиқ интилишдан ташқари мардлик, журъат ва жасорат каби маънолари ҳам борки, шоир кўпроқ сўзнинг шу маъносига урғу беради. Қуйидаги мисралар бунинг ёрқин далилидир:

*Ғайрат эмас элга ситам айламак,
Яна ситамгарга карам айламак.*

«Шавқнома» – 23 байт (46 мисра)дан иборат булиб, Убайдий унда шавқни Оллоҳ ишқига қаттиқ берилиш, кучли иштиёқ, руҳий кутаринкилик маъносига талқин қилади. Ишқу висол

шавқу завқсиз ҳосил булмаслиги учун ҳам шоир шавқни – «васл раҳнамози» деб таърифлайди:

*Шавқим қилди кунгулда манзил,
Булди мақсуду муроди ҳосил.
Шавқ агар булмаса раҳбар ҳардам,
Булмагунгдур анга бир дам ҳамдам.*

Маълум буладики, шоир талқинига кура, кишига шавқ ҳамдам булмаса, у мақсадига етолмайди. Шавқ – кишини олдинга ундайдиган, унга қанот бағишлайдиган куч.

Тасаввуфда шавқ Оллоҳ ва банда уртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалабасидан қалбнинг сурурга гулиши маъносида ҳам тушуниладики, «Шавқнома»да бунга асосий ургу берилади.

Диндор подшоҳ

Маълумки, исломда икки асосий йўналиш – суннийлик ва шиалик мавжуд. Суннийлар Қуръон ва Суннага эътиқод қилиб, Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг тарафдорлари булмиш халифаларни эътироф этсалар, шиалар Қуръонни мажозий талқин қиладилар ҳамда чаҳорёрларни рад этиб, Ҳазрат Али ва унинг авлодларидан иборат ун икки имом ҳокимиятини тан оладилар. Шу тариқа, бу икки маъҳаб уртасида қадимдан гоҳ баҳс-мунозара, гоҳо жангу жадал кўринишидаги зиддият давом этиб келади.

Мовароуннаҳр азалдан суннийлик учоғи бўлиб келган. Шиа маъҳабидаги Исмоил Сафавий Эрон тахтига утиргач, ислом динининг бу йўналишини кенг ёйишга киришиб, турли мамлакатларга қатор босқинчилик юришларини амалга оширади – давлати ҳудудини Амударё қирғоқларидан то Қора денгиз буйигача ва Ҳиндикуш тоғи этакларигача кенгайтиради. Убайдулла-хон диндор подшоҳ булган – у Исмоил ва угли Таҳмосбининг бу ҳаракатларига қарши бир умр ислом асосларини мустаҳкамлаш, Муҳаммад алайҳиссалом суннатини устувор этиш учун жангу жадал олиб борган.

Убайдуллахоннинг диндор подшоҳ булиши сабаблари маънабаларда қуйидагича курсатилади:

Муҳаммад Шайбонийхон шоҳ Исмоил Сафавий қўшинлари билан Марв ёнида булган тўқнашувда шаҳид булгач, Бобурда Мовароуннаҳрни қўлга киритишга яна бир бор умид пайдо бўлади. У шайбонийзодалар ҳали ўзларини унглаб олмай туриб, шоҳ Исмоил ёрдамга юборган қизилбошлилар қўшини билан ота юртига қараб юради ва уни эгаллайди. Шайбоний султонлар Туркистонга чекинадилар. Шунда Убайдуллахон Аҳмад Яссавий мақбараси пойида катта йиғин утказиб, турк машойихининг сарваридан руҳан мадад сурайди, сунний мазҳабини улуғлаши ва, агар Мовароуннаҳрни қўлга киритса, бир умр диндор подшоҳ бўлиб қолиши ҳақида қасам ичади. Ҳақиқатан ҳам, кейинчалик у ўз аҳдига вафо қилади: Убайдуллахоннинг ҳаёти ва фаолияти, қолаверса, ижоди ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Убайдуллахон Аҳмад Яссавий йўлида ҳикматлар айтибгина қолмай, бошқа жанрлардаги асарларида ҳам исломий гоё ва қарашларни қизгин тарғиб-ташвиқ қилди. Унинг диний мавзудаги асарларида еру кўкнинг соҳиби булмиш Парвардигор шарафланиб, унга муножот қилинади, ундан мадад сўралиб, унга шукрона ўқилади. Кишилар Ҳақ йўлига даъват этилиб, шариат аҳкомларини бажаришга чақирилади, чинакам мўминга хос ахлоқ улуғланади. Мисол учун, қуйидаги рубоийсида шоир ҳақиқий мўмин билиб-билмай содир этган катта-кичик гуноҳлари учун Тангри қошида уялиб, изтироб чекиши ва дарҳол тавба қилиши лозимлигини таъкидлаш баробарида, Ҳақдан ва халқдан уялмаган киши одам эмас, деб қатъий ҳукм чиқаради:

*Тенгридин уёл, тавбада бул мустаҳкам,
Тоиб киби чек онинг учун ранжу алам.
Одам соннда эмастурур, билгилким,
Тенгридину ҳам элдин уёлмас одам.*

Шоҳу шайху шоир

Убайдуллахон тасаввуфга ҳам беқиёс муҳаббати ва суфийларга чексиз эътиқоди билан ажралиб турганлиги учун Фахрий Ҳиротий уни «дарвеш киймидаги шоҳ» деб таърифлаган бўлса, Махдуми Аъзам у ҳақда «дарвешларнинг мухлиси ва эътиқодманди, аммо бу фақир дилу жонининг маҳбуби», деган эди.

Фитрат шундай ёзади: «Бу одам узининг ҳукумат ишларига қарамасдан, шайхлик ҳам қилар эди, бу ишни узининг сиёсати учун лозим билар эди. «Самарат ул-машойих»нинг ёзганига қура, Убайдуллахоннинг тариқат нисбати Авлиё Қорахон отли бир шайх воситаси билан Ҳаким Сулаймон отага борадир. Ёлғуз бу қадар билан қолмаган, ўзи учун муридлар олган. Жаҳр мажлисларига иштирок қилган. Унинг улими билан топилган таърих моддаси «Зикргу» (яъни «зикр этгучи»дир)».

Айтиб утганимиздек, Убайдуллахон Аҳмад Яссавийдан руҳан мадад сўраб, жангу жадалларда ғалаба қозонган, тахтага утирган, унга эргашиб ҳикматлар айтган. Убайдуллахон уша даврда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган икки тариқат – яссавияга ҳам, нақшбандияга ҳам кирган. Унинг ижодида ҳам ҳар иккала тариқат таъсири, тоялари ифодасини кураимиз.

Ҳасанхожа Нисорий Убайдий ижодига қуйидагича баҳо беради: «Тасаввуфда фикрлари мазмуни асосли ва кучли намоён булар, баланд маъноларни дилписанд иборатлар билан баён қилар эди». Унинг бир куни пешиндан кейин бадиҳа тарзида айтган араб тилидаги суфиёна рубоийси шарҳига бағишлаб араб тили ва фалсафа билимдони Мавлоно Ансориддин Иброҳим намозшомга қадар бир рисола тасниф этиб, унинг «ҳар бир мисраси бобида олти юз эллик маъно айтган» экан.

Убайдийнинг суфиёна мазмундаги рубоийлари мундарижаси кенг: уларда еру кукнинг яратувчиси бўлган Оллоҳ таоло гоҳ икки оламнинг соҳиби сифатида мадҳ этилса, гоҳ илоҳий маҳбуба тимсолида таъриф-тавсиф қилинади; комил инсоннинг бу дунёдаги тимсоли бўлган Муҳаммад алайҳиссалом шаънига гоҳ мақтов ёғдирилса, бани башар хулосаси, пайгамбарлар сарвари гоҳ дуст, ёр, маъшуқа сифатида васф этилади; тасаввуф



таълимотининг куплаб назарий қоидалари бадиий ифодаланиб, суфиёна ғоялар тарғиб-ташвиқ қилинади; муҳаббат, вафосадокат, қаноат, саховат, яхшилик, иймон-эътиқод, ахлоқ-одоб каби эзгу инсоний фазилатлар улуғланиб, нафс, мол-дунё, ҳашам-дабдабага учлик, ёвузлик, риёкорлик, ёлғончилик, текинхўрлик, иймон заифлиги сингари ношойишта нуксон ва қусурлар қораланади ва ҳоказо.

Тасаввуф моҳият эътибори билан инсонни тарбиялаш, унинг ахлоқини поклаш, хулқини гузаллаштириш орқали уни Оллоҳ севгисига сазовор буладиган даражадаги комил инсон мақомига етказишга сафарбар этилган. Шунинг учун ҳам суфиёна адабиётда хикмат, панд-насихат руҳи етакчилик қилади. Купгина машҳур тариқат шайхлари айни маънода тасаввуфни одоб-ахлоқ ҳақидаги илм, деганлари ҳам маълум. Жумладан, Сирри Сақатий: «Тасаввуф гузал ахлоқдир», – деса, Абу Ҳафс Ҳаддод: «Тасаввуф буткул адабдир», – дея лутф этган эди. Мутасаввиф шоирлар ижодида одоб-ахлоқ мавзуининг етакчи урин тутиши шундан. Убайдий ҳам одоб-ахлоқ мавзуида куплаб рубоийлар яратган. Масалан:

*Зинҳор адаб урганинг, эй аҳли талаб,
Ким бордур адаб гули саодатқа сабаб.
Шайтонки, адабсиз эрди – қолди маҳрум,
Одамни, курунг, не ерга еткурди адаб!*

Шайтоннинг Худонинг амрига итоат этмай, инсонга сажда қилишдан бош тортиши купинча унинг кибри, манманлиги сифатида қораланади. Бу ерда эса у адабга нисбат берилади: агарда шайтонда зигирча адаб булганида эди, узининг Яратгувчисига қарши борармиди? Уз Парвардигорига итоатсизлик қилармиди? Натижа эса маълум: адаб гуфайли инсон Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлди, шайтон эса тавқи лаънатга қолди:

*Одамга бериб Худо адабнинг шавқин,
Олий-у фузун қилди мақому завқин.
Билким, бир адабсизлик анга қилгон учун
Солди шайтон буйнига лаънат тавқин.*

Нафсни қоралаш – тасаввуф адабиётининг марказий масалаларидан бири. Чунки банданинг уз Парвардигорига етиши йўлидаги энг асосий тусиқ – нафс. Нафсини енган инсон – рухоний, унга қуд бўлган эса ҳайвоний хусусият касб этади. Дунёдаги барча ёвузликлар нафснинг турли хархашалари махсулидир. Шунинг учун тасаввуф адабиётида шоирлар нафсни Дажжолга, левга, аждаҳога, шайтонга, инсонни йулдан урувчи душманга, иймонсиз кофирга ухшатиб, уни енгишга даъват этадилар. Убайдийнинг ҳам бу борада қатор мумтоз рубоийлари борки, улар асрлардан буён давом этиб келаётган анъананинг мантиқий давомидир:

*Бир лаҳза мутеъи фармон булмас,
Уз қилмишидан сира пушаймон булмас.
Дунёдаги бор мазҳаблар ҳукми билан
Кофир аталур у – ҳеч мусулмон булмас.*

Бу рубоий Нажмиддин Кубронинг мана бу рубоийсини ёдга туширади:

*Пинҳон эмас асло – ичда бир дев бордир,
Бошини кутармоғи унинг душвордир.
Иймонини минг мартаба талқин қилдим:
Ул асли азал муслим эмас, куффордир.*

Убайдий бу рубоийсини Шайх Нажмиддин Кубродан илҳомланиб яратгани шубҳасиз. Чунки Убайдий рубоийси Кубро рубоийсининг мантиқий давомидай жаранглайди. Кубро нафсни фақат ислом дини нуқтаи назаридан баҳолаб, у мусулмон эмас, кофирдир деса, Убайдий улуғ пирнинг фикрларини давом эттириб, ривожлантириб, фақат ислом динига кўра эмас, балки дунёдаги барча динлар ва мазҳаблар таълимоти бўйича ҳам нафс энг ёвуз куч сифатида қораланади, дейди. Кубро нафс азалдан ҳозиргача кофир сифатини олиб келган, деса, Убайдий бундан кейин ҳам то қиёматгача у кофирлигича қолади, сира мусулмон булолмайди, деб қатъий ҳукм чиқаради.

Нафс инсонни Ҳақ йулдан оздиради, унинг камолотига ғов булади, обрусини тукиб, шаънини булғайди. Инсон айнан нафс туфайли уз шаънига ярашмаган хатти-ҳаракатлар содир этади,

жумладан, макру ҳийла қилади, ёлгон гапиради, иккиюзламачи-лик, риёкорликка юз тугади, аҳдга вафони унутади, уят-андиша, иймон-инсофдан айру тушиб, одамгарчиликдан чиқади:

*Олам аро жойиз ул-хато инсондур,
Уз нафси учун ҳамиша саргардондур.
Гаҳ нафси учун макр қилур, гоҳи хиял,
Билмас нетарин – уз ишига ҳайрондур.*

Шу тарика нафс кишини Ҳақдан айириб, дунёга боғлаб қуяди. Бундай кишининг умри эса зоеъ утган ҳисобланади:

*Эзгу ишимизга нафс монеъ булди,
Уткинчи жаҳон айшига қонеъ булди.
Афсуски, бир иш қилмадик Оллоҳ йўлида,
Қимматли ҳаёт шу хилда зоеъ булди.*

Ишқ васфи, маъшуқа таърифи

Ишқ мавзуи – Убайдий ижодининг гузал саҳифаларини ташкил этади. «Ишқ аҳлига булди исмим авроди намоз», – деган шоирнинг лирик қаҳрамони ёр учун жонини беришга тайёр фидойи ва содиқ, маъшуканинг ҳар қанча позу карашмасини, ранжу ситамини кутаришга бел боғлаган мард, суюқлисининг ҳар бир сузи, ҳар бир хатти-ҳаракатидан гузаллик тошадиган Мажнунни шайдо, висол лаззатини дунёнинг ҳеч бир неъматига алиппмайдиган, ишқ майининг бир томчисини ҳатто Одам Атодану афсонавий шоҳ Жамшиддан қизғанадиган, нафақаг уларга, балки ҳар икки жаҳонга беришга кўнмайдиган тенгсиз ошиқдир!

*Бу жон мудом сенинг адоинг булсин!
Бу дил ҳамиша мубталойинг булсин!
Бир жон не булар – сенга фидо этмоқ учун
Юз жоним агар булса, фидойинг булсин!*

Мумтоз шеърятда азалдан ошиқлик ҳақидаги фикрлар куп учрайди. Бунинг маъноси шуки, ибтидода фақат Оллоҳ мавжуд эди – олам ҳам, одам ҳам унда мужассам бўлган. Кейин Худо-да ўз хуснини томоша қилиш истаги уйғонган ва У ўзига кузгу

килиб бу оламни, яширин сирларини ашлаш учун эса одамни яратган. Маълум буладики, азалда уз Яратувчиси билан бир бутун булган инсон тугилиб ундан айру тушган. Энди у бир умр яна уз Парвардигори билан қушилишга, у билан бир бутун булишга интилади. Мана бу рубоий худди шу ибтидодаги бирлик, ягоналик – азалдан ошиқлик хусусида:

*Рухим бегумон сенга ҳар он ёр эди-ей,
Ошуфта бу жоним-да мудом зор эди-ей.
Дил булган эмас энди гирифтор сенга,
Ул асли азал сенга гирифтор эди-ей!*

Бадий маҳорат сири

Убайдий шеърлари бадиияти учун хос булган энг муҳим хусусият – шоир томонидан қўлланган ташбеҳларнинг бир қарашда содда, айни пайтда оҳорли ва гузал эканлиги. Ширали тил ва равон услуб билан қушилиб, у алоҳида бир лафофат касб этади. Масалан:

*Харгиз дема ҳиила юзидин ёлгон суз,
Ёлгон суздин йироқ булуб, эвур юз.
Охир сенсен – ёй киби булсанг эгри,
Аввал сенсен – алиф киби булсанг туз.*

Маълумки, «алиф» – араб алифбосининг биринчи ҳарфи, «ё» эса охирги ҳарфи. Бугина эмас, «алиф» – тугри таёққа, «ё» – ёйга ўхшайди. Шундан келиб чиқиб, Шарқ шеъриятида «алиф»ни – тугриликка, «ё»ни эса эгриликка нисбат бериш анъанага айланган. Убайдий ана шу анъана бағрида янгилик қилади: «алиф» каби тугри булган киши инсониятнинг пешқадами, сарварига айланади, «ё» каби эгри кимса эса халқнинг энг охирги, тубан қисмини ташкил этади, дейди.

Шоирнинг форсий шеърлари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин:

*Чун сабза шудем ташна ба фасли баҳор,
Борони карам бар сари мо фармойи.*

Мазмуни: «Сабза баҳорга ташна булгани каби биз ҳам сени соғиндик, бошимиз узра караминг ёмғирини ёғдирсанг-чи!»

Ёки:

*Дар пардаи гунча шав чу гул бағри Худо,
Дидори туро набинад агёр хуш аст.*

Таржимаси:

*Оллоҳ ҳақи, гул гунчасидек, пардада бул,
Чеҳрангни сенинг курмаса агёр хушдир.*

Буюклардан бири

Одам боласи табиатида бир неча қобилият яширин булиши мумкин. Кимдир унинг биттасини руёбга чиқарса, кимдир ушанинг ҳам уддасидан чиқолмайди. Лекин шундай улғу инсонлар буладики, улар ўзларига ато этилган қобилиятларнинг деярли барчасида муваффақият қозонадилар. Убайдуллахон ҳам ана шундай серқирра истеъдод соҳиби бўлиб, у сиёсат майдонида, ҳарб жабҳасида, диний илмларда, тариқат йулида, адабиёт соҳасида, мусиқа бобида, фикҳ борасида, хуснихат баҳсида, Қуръон қироатида ва бошқаларда узини курсатиб, уларнинг ҳар бирида инсон ақлини ҳайратга соладиган натижаларга эришпа олган. XVI асрнинг биринчи ярмида етишиб чиққан ва деярли барча соҳаларни уз ичига олган кенг қамровли фаолияти билан нафақат замондошларини қойил қолдирган, балки асрлар давомида барчада ҳавас ва ҳайрат туйғуларини уйғотиб келаётган бу фавқулодда истеъдод соҳибининг ибратли ҳаёти, амалга оширган кенг қўламли ишлари Ватанимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Убайдуллахоннинг ўзбек, форс-тожик ва араб тилидаги салмоқли ва бадиий жиҳатдан баркамол адабий мероси эса Шарқ мумтоз адабиётининг дурдона асарлари қаторидан жой олишга муносиб.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати

1. *Абдуллаев М.Х.* Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Филология фаилари номзоди... диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2000.
2. *Абдурауф Фитрат.* XVI асрдан сунгра узбек адабиётига умумий назар // Танланган асарлар. Иккинчи жилд (Илмий асарлар). – Тошкент: Маънавият, 2000. 55–61-бетлар.
3. *Вамбери Х.* Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
4. *Зайниддин Восифий.* Бадоеъ ул-вақоеъ. Русчадан Н. Норқулов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
5. *Зиё А.* Узбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.
6. *Иброҳимов А.* XVI аср узбек адабиётининг асосий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1976.
7. *Каримов У.* Адабиёти тожик дар асри XVI. – Душанбе: Дониш, 1985.
8. *Мирза Муҳаммад Хайдар.* Таърих-и Рашиди. Перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифанова. – Тошкент: Фан, 1996.
9. *Муҳаммад Юсуф Муниши.* Муқимханская история. Перевод с персидского А.А. Семенова. – Тошкент, 1956.
10. *Муқимов З.* Қилич ва қалам соҳиблари (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар). – Самарқанд, 1996.
11. *Ражабов К.* Убайдуллахоннинг икки жанги. // «Vaziyat», 2005 йил 16–30 ноябрь.
12. *Ражабов К., Очилов Э.* Убайдуллахон // *Ўзбекистон миллий энциклопедияси.* 9-жилд. – Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2005. 33-бет.
13. *Убайдий.* Дийдор орзуси. Рубойлар (Нашрга тайёрловчи, таржима, сузбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов). – Тошкент: Шарқ, 2007.

-
14. *Кул Убайдий*. Вафо қилсанг (Туркий «Девон»дан намуналар). Нашрга тайёрловчи А. Ҳайитметов. – Тошкент, Езувчи, 1994.
 15. *Хасанхожа Нисорий*. Музақкири аҳбоб (Дустлар ёдномаси) Тазкира. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
 16. *Хофиз Таниш ал-Бухорий*. Абдуллонома («Шарафномаи лоҳий»). Икки жилдлик. I китоб. Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 1999.

Мундарижа

Сузбоши.....	3
Юксак фазилатлар соҳиби.....	4
Моҳир саркарда ва одил ҳукмдор.....	6
Убайдуллахоннинг икки жанги	7
Кули Малик жанги (1512 йил 28 апрель).....	7
Ғиждувон жанги (1512 йил 24 ноябрь)	9
Убайдуллахон – Бухоро хони	12
Илму маданият ҳомийси.....	13
Бунёдкор ҳукмдор	14
Уч тилдаги муаззам мерос.....	15
Забардаст рубоийнавис.....	17
Комилликка йўлловчи номалар	19
Диндор подшоҳ	21
Шоҳу шайху шоир	23
Ишқ васфи, маънуқа таърифи	26
Бадий маҳорат сири.....	27
Буюклардан бири	28
Фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати	29

Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов,
тарих фанлари доктори

Эргаш Зокирович Очиллов,
филология фанлари номзоди

УБАЙДУЛЛАХОН

(рисола)

ўзбек тилида

Муҳаррир В. Умиров
Техник муҳаррир У. Ҳамутов
Компьютерда матн терувчи Э. Зокиров
Мусаҳҳиҳ Н. Сайдахмедова
Дизайнер Г. Насридинова
Компьютерда саҳифаловчи С. Сайдахмедов

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.
100011, Тошкент ш., Навоий кучаси, 16-А уй.
Телефон: (+99871) 241-0169
Факс: (+99871) 241-0173

e-mail: abu_mc@uzconsult.org
abu.matbuot-consult@yandex.ru

Нашр. лиц. АИ № 090, 16.07.2007. Босишга 16.03.2011 йилда рухсат этилди.
Бичими 60×84 1/2. Шартли босма тобоғи 1,86. Нашр тобоғи 2,00.
Адади 2000 (биринчи завод – 1000). Буюртма №11-008.
Баҳоси шартнома асосида.

«ABU MATBUOT-KONSALT» МЧЖ
матбаа бўлимида босилди.



“ТАРИХ ВА ТАҚДИР”

руқнида чоп этилаётган рисоалар:

- | | |
|----------------------------|------------------------|
| 1. АМИР ТЕМУР | 16. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ |
| 2. АЛП ЭР ТУНГА (АФРОСИЁБ) | 17. НАЖМИДДИН КУБРО |
| 3. ТУН ЯБГУ-ХОҚОН | 18. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД |
| 4. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ | 19. АЛИШЕР НАВОИЙ |
| 5. УЛУГБЕК | 20. МАҲДУМИ АЪЗАМ |
| 6. БОБУР | 21. МАШРАБ |
| 7. МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН | 22. МУҚАННА |
| 8. УБАЙДУЛЛАХОН | 23. КАТТА ЭРГАШ |
| 9. АБДУЛЛАХОН II | 24. МАДАМИНБЕК |
| 10. НАСРУЛЛОҲХОН | 25. ШЕРМУҲАММАДБЕК |
| 11. ШОҲМУРОД | 26. ЖУНАИДХОН |
| 12. АМИР ОЛИМХОН | 27. ИБРОҲИМБЕК |
| 13. УСМОН ХУЖА | 28. МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР |
| 14. ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ | 29. ҲАМРО ПОЛВОН |
| 15. АБУ АЛИ ИБН СИНО | 30. ПУЛАТ СОЛИЕВ |

ISBN 978-9943-336-50-6



9 789943 336506



“ABU MATBUOT-KONSALT”